



36

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ТРАВМАТИЧЕСКИХ
ПОВРЕЖДЕНИЙ КОСТЕЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

39

СПОСОБ ПЛАСТИКА УГЛА РТА ПОСЛЕ РАДИКАЛЬНОГО
УДАЛЕНИЯ РЕЦИДИВА ЗЛОКАЧЕСТВЕННОЙ ОПУХОЛИ

46

ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К ЛЕЧЕНИЮ КАРИЕСА
У ДЕТЕЙ НА ОСНОВЕ АЛГОРИТМИЗАЦИИ ДИАГНОСТИКИ

Содержание

ГОСТЬ РЕДАКЦИИ

«Give a chance to nature»

ОРГАНИЗАЦИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ И ИСТОРИЯ

А.И. Насанов. Аюлига стоматологик ёрдам курсатиш тизими нисохат
челки даро талабидир

К.Д. Джаббаров, Ж.Ф. Шамсиев, У.Н. Вохидов. История развития
кафедры оториноларингологии ташкентского государственного медицинско-
го института

Адилев К.З., Ризаев Ж.А., Адилова Ш.Т. Влияние неблагоприятных
условий горнодобывающего производства на состояние полости рта рабочих

ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Абдувакилов Ж.У., Ризаев Ж.А. Биохимические маркеры соединитель-
ной ткани у больных хроническим воспалительным пародонтитом на фоне
метаболического синдрома

Юлдашева Н.А., Арипова Г.Э., Сулайманова Д.А. Прогноз индивиду-
ального факторного риска развития заболеваний пародонта у беременных

Ф.Ялчин. Заболевания пародонта и общее здоровье: существует ли
связь?

М.В. Мельников, Т.А. Заяц, М.Д. Тимченко, Б.Н. Биль, Т.Б. Земляк
Исследование влияния препарата Лизак на клеточные и гуморальные
факторы иммунитета в условиях in vitro

ОРТОПЕДИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Гасюк П.А., Радчук В.Б., Воробец А.Б., Росоловская С.О., Калашни-
ков Д.В., Зубченко С.Г. Пути оптимизации препарирования зубов при
протезировании несъемными эстетическими конструкциями

Пансұлыға В.Г., Ризаева С.М. Применение Модифицированного форми-
рования дентина при немедленной нагрузке на дентальные имплантаты

Албаров А.Н., Ирсалиев Х.И., Ачилов Ш.М. Эффективность
применения препарата «ФарГАЛС» у пациентов, в процессе адаптации к
полной съемным пластиночным протезам

ХИРУРГИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Акратова Н.А., Ходжибекова Ю.М., Джабриева А. Ретроспективный
анализ травматических повреждений костей челюстно-лицевой области

Скакун Л.Н., Галайчук И.И. Способ пластики угла рта после радикального
удаления рецидива злокачественной опухоли

Досмухамедов Д.М., Юлдашев А.А., Мухамедов И.М., Дусмуха-
медова А.Ф., Шамсиев Р.А. Биология полости рта у детей, страдающих
врожденной расщелиной губы и неба

СТОМАТОЛОГИЯ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА

Ризаев Ж.А., Абдуазимова Л.А., Джалилова Ф.Р.,
Досмухамедова А.Ф. Инновационный подход к лечению кариеса у детей
на основе алгоритмизации диагностики

Content

GUEST OF THE EDITORIAL

«Give a chance to nature»

6

ORGANIZATION, EPIDEMIOLOGY AND HISTORY

Hasanov A. I. The process of reforming the dental care system is a
prerequisite for the population.

8

K.D. Jabbarov, J. F. Shamsiev, U. N. Vohidov A history of the
development of the Department of otorhinolaryngology of the Tashkent
state medical Institute.

10

Adilov K.Z., Rizaev J.A., Adilova G. T. Influence of unfavorable mining
conditions on the oral health of workers.

12

THERAPEUTIC DENTISTRY

Abduvakilov J.U., Rizaev J.A. Biochemical markers of connective
tissue in patients with chronic inflammatory periodontitis against the
background of metabolic syndrome.

15

Yuldasheva N. A., G Aripova.E., Sulaimanov D. A. Forecast of
individual factor risk of periodontal disease in pregnant women.

18

F. Yalchin Periodontal disease and general health: is there a relationship?

20

Melnikov O.F., Zayac T.A., Timchenko M.D., Bil B.N., Zemlyak T.B.
Study of the effect of Lizak on cell and humoral immunity factors in vitro

24

THERAPEUTIC DENTISTRY

Gasyuk P.A., Radchuk V.B., Vorobec A.B., Rosolovskaya S.O.,
Kalashnikov D.V., Zubchenko S.G. Agreement preparation of teeth
aesthetic fixed prosthetic constructions Putin optimization.

28

Pantsulaya V.G., Rizaeva S.M. Application of modified healing-
abutment at immediate loading on dental implants

30

Akbarov A.N., Israilov H. I., Achilov Sh. M. The effectiveness of
the use of FarGALS in patients in the process of adaptation to complete
removable plate prosthesis.

32

SURGICAL DENTISTRY

Akramova N.A. Hadjibekova Y.M., Djabrieva A. Retrospective
analysis of traumatic injuries of the maxillofacial bones

36

Skakun L.N., Galaychuk I.I. Method mouth plastic angle after resection
of malignant tumor relapse

39

D.M. Dosmukhamedov, A.A. Yuldashev, I.M. Muhammadov, A.F.
Dosmukhamedova, R.A. Shamsiev. Dosmukhamedova Biology of the
mouth in children with the congenital cleft lip and palate.

42


CHILDREN'S DENTISTRY

E.A. Rizaev, L.A. Abduazimova, F.R. Jalilova, A.F.
Dosmukhamedova Innovative approach to treatment of caries in children
based on algorithmic diagnosis

46

УДК: 616.21:378.17 (091) (571.1)

АҲОЛИГА СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМ КУРСАТИШ ТИЗИМИНИ ИСЛОХАТ ҚИЛИШ ДАВР ТАЛАБИДИР



А.И. Хасанов

Тошкент давлат стоматология институти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон ва Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг узлуксиз касбий таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизими органлари ва муассасаларининг малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш замон талаби эканлиги шубҳасиздир.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бир қатор соғлиқни сақлаш тизимига бағишланган селектор мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларда қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ва оилавий поликлиника (ОП) ларда бирламчи профилактик ва кечиктириб бўлмайдиган (шошилиш) тез тиббий ёрдам хизматини ҳамда ихтисослашган хизматни тўлақонли тарзда жонлантиришдаги ташкилий мекамоларни ижобий ҳал этишга

тўсиқ бўлиб турган омилларга кўпроқ эътибор бериш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Шу жумладан, стоматология соҳасидаги бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий хизматни таҳлил қилсак, ушбу соҳанинг олдида турган муаммолар талайгина эканлигига амин бўламиз. Аҳоли орасида юз-жағ патологияси касалликларининг тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, стоматология ва юз-жағ жаррохлиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолига стоматологик хизмат кўрсатиш самандорлигини ошириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, шунингдек республика стоматология муассасаларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг тузилмасини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Болалар аҳолиси ўртасида тиш қаттиқ тўқималари касалликлари, тиш касалликлари асоратлари, оғиз бўшлиғи шиллик қават касалликлари, тиш қаторларида учрайдиган аномалия ва деформациялар, юз-жағ соҳасидаги йирингли касалликлар, уларда учрайдиган ўсма-лар ҳамда ортирилган ва туғма нуқсон касалликлари мавжуд бўлган беморлар жуда кўплаб учрамоқда.

Бирламчи бўғинда ҚВП ва ОП ларда умумий стоматолог томонидан беморларга стоматологик профилактик ва бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш тўлақонли амалга оширилмаётганлиги кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманлар марказларида болалар ихтисослашган стоматология поликлиникаларининг йўқлиги натижасида қишлоқ шароитида яшовчи беморларга ўз вақтида стоматологик ёрдам кўрсатилмай қолмоқда ва шу боисдан болаларда стоматологик касалликларнинг асоратлари тез-тез учрамоқда.

Стоматология таъминотини яхшилаш юзасидан ҳудудларда (тез тиббий ёрдам бундан мустасно) режали стоматологик хизмат, шу жиҳатдан ортодонтия хизмати (болаларга) тўлиқ пуллик хўжалик ҳисобидан амалга оширилишини ташкил этишимиз зарур. Республика-мизда юз-жағ соҳаси касалликларини ва ўткир стома-тологик касалликларининг асоратларини даволаш учун замон талабларига жавоб берадиган ихтисослаштирилган болалар ва катталар юз-жағ жаррохлиги клиникала-ри Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил №48 буйруғига асосан такомиллаштирилса ва жойларда уларни қайта ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Республика-миз ҳудудларида стоматологик касал-ликларни профилактикаси ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш бўйича тизимли профилактика тад-бирларини ишлаб чиқишимиз зарур. Қишлоқ аҳолиси орасида стоматологик касалликларини олдини олиш ва уларни диспансеризация мониторингини ҳудудлардаги болалар стоматология поликлиникалари орқали амал-га оширилиши кўзда тутилмоқда. Республика-мизнинг уюшган барча болалар жамоаларини диспансер назора-тига олиш, кариесни мунтазам, босқичма-босқич даво-лашни ва профилактикасини давлат миқёсидаги тиббий

ва социал муаммо даражасида кўриш ва бу муаммони ҳал қилишда барча стоматология муассасаларини жалб этилишини ташкил этиш бизнинг зиммамизда турган масаладир.

Ҳозирги кундаги стоматология хизматини бир тизимга солиш учун стоматология йўналишлари бўйича доволаш стандартлари ва малака талабларини инобатга олиб, стоматологик ва юз-жағ тизими касалликларида аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам бериш тадбирлар тартиби давлат ва хусусий клиника ва шифохоналар учун ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда ва улар тез кунда амалиётга тадбиқ этилади.

Стоматологияда кадрлар масаласини такомиллаштириш бўйича ҳам муаммоларимиз мавжуд. Худудлар кесимида кадрларнинг етарли эмаслиги ва баъзи худудларда мавжуд кадрларга иш жойининг камлиги ва баъзи худудларда йўқлиги сабабли, бирламчи тиш касалликларининг кенг тарқалишига ва улардан келиб чиқадиган чуқур асоратларнинг ривожланишига йўл қўйилмоқда. Бу муаммони ҳал қилишда Тошкент Давлат стоматология институтини ва вилоятлардаги тиббиёт институти стоматология факультетини битириб чиққан бакалаврлардан унумли фойдаланиш зарур.

Шу ўринда институтларда мақсадли квоталар орқали тайёрланаётган кадрлар яқин келажакда ўз самарасини беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 769-сон Қарорида (Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017 йил 27 сентябрь) бакалавриятнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битирувчиларини кишлоқ врачлик пунктлари ва кишлоқ (шаҳар) оилавий поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисидаги Низомиди кўрсатилганидек, Битирувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, шунингдек мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида вазирлик ходимлари, соғлиқни сақлаш бошқармасининг худудий органлари раҳбарлари, олий тиббий таълим муассасалари ва тиббиёт ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Комиссия ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари тақдим этган шифокор кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида буюртмалари ва мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотномалар асосида Комиссия томонидан ҳар йили битирувчилар мажбурий ишлаб бериши учун тақсимланади.

Комиссия битирувчиларни доимий яшаш жойидаги ҚВП ва ОПдаги мавжуд бўш ўринларига мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлайди.

Битирувчиларнинг мажбурий ишлаб беришининг аниқ муддатлари, жойи ва шароитлари, шунингдек уларнинг мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, олий тиббий таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

ҳамда битирувчи ўртасида 4 нусхада тузиладиган шартномада белгиланади.

Олий тиббий таълим муассасалари битирувчилар учун йўлланмалар тузилган шартнома асосида республика худуди ва ҚВП ёки ОПни аниқ кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Ўқишни тугатгандан сўнг магистратура ёки клиник ординатурага ўқишни давом эттириш учун кирган битирувчилар таълим шаклидан қатъий назар (давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида) камида 3 йил (36 ой) мажбурий ишлаб бериш учун магистратура ва клиник ординатурани тамомлаганидан сўнг тақсимланади.

2002-2007 йиллар давомида Республикаимизнинг колледж ва лицейларини тугатган: тиш врачлари, дантист, стоматология иши каби (тиш техниклари бундан мустақил) ўрта маълумотли мутахассисларни стоматолог врач ёрдамчиси (ассистенти) сифатида ўрта тиббий мутахассис (мактабларда гигиенист сифатида) ва стоматолог хамшираси сифатида ишга қабул қилиниши тўғрисидаги тавсияларимизни ССВга таклиф сифатида киритяпмиз.

Худудларда стоматология хизматининг назоратини таъминлаш мақсадида кишлоқ врачлик пунктларидаги ва оилавий поликлиникаларидаги, ҳамда туман тиббий бирлашмаларидаги врач-стоматологларнинг тиббий фаолиятини назорати ва доволаш сифатини даврий тарзда таҳлил қилиш худуд бош стоматолог зиммасига юкланганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Халқимизга кўрсатилаётган стоматологик хизматни яхшилаш ва уни сифатини юқори даражага кўтариш учун шифокор стоматологларимизнинг малакаси янада юқори бўлиши кераклигини давр тақазо қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 174-сон 04.04.2017 йилдаги Қарори (Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида) аниқ вазифаларни ифода қилади. Қарорда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг профессионал билимларини ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва ахборот технологиялари билан ишлаш борасидаги амалий кўникмаларини доимий равишда янгилашни, республика ва жаҳон тиббиёти соҳасидаги охириги ютуқлардан самарали фойдаланишини таъминлаш кераклигини таъкидлаб ўтилган. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашнинг замонавий жаҳон талабларига жавоб берадиган ягона ташкилий тузилмасини яратиш, замонавий ускунада ишлаш тажрибасини орттириш учун шарт-шароит яратиш, унинг ёрдамида олинган диагностик маълумотларни изоҳлаш қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Шундай қилиб, стоматология соҳасида олиб борилаётган кескин ўзгаришлар, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган туб ислохотлар халқимиз саломатлигининг пойдеворидир.